


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2014 йил 13 март, № 51 (5981) Пайшанба


Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

*12 март куни депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисининг аввал тасдиқланган кун тартибига киритилган масалаларнинг муҳокамасини давом эттирдилар.*

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида парламентга берилган ваколатларга мувофиқ, Қонунчилик палатаси сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқди. Ушбу масала бўйича Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий кенгашининг раиси, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгаши Ижроия қўмитасининг раиси ҳисобот маърузалари билан сўзга чиқдилар.

Сиёсий партияларнинг етакчилари давлатимиз томонидан кўп партиявийлик тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга берилаётган катта эътибор туфайли мамлакатимизда давлат аҳамиятига молик энг муҳим масалаларни ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири сезиларли даражада кучайганлигини таъкидладилар. "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун бўйича сиёсий партия агар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган сайлов якунларига кўра Қонунчилик палатасида фракция ташкил этиш учун зарур миқдорда депутатлик ўринларига эга бўлган бўлса, ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга.

Маърузачилар Ўзбекистоннинг барча сиёсий партиялари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда молиявий ҳамда бухгалтерлик ҳисоботини тақдим этганлигини таъкидладилар. Улар ҳисобот даврида молиявий ва бошқа маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши ҳақидаги молиявий ҳужжатларни молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Адлия вазирлигига ўз вақтида топширдилар.

Ушбу масалани муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларнинг амалга оширилишида сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги муносабати билан уларнинг молиявий интизомини мустаҳкамлашда парламент назорати алоҳида аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Депутатларнинг фикрича, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий, ташкилий-кадрлар ҳамда бошқа ресурслари уларнинг ўз дастурий мақсадлари ва вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда катта аҳамиятга эга, шу сабабли улар шаффоф ва қонуний, доимо жамоатчилик назоратида бўлиши муҳимдир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон — Хитой ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакатнинг савдо, сармоя, ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-кимё саноати, энергетика, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сайёҳлик ва логистика каби соҳалари учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чжан Вэй ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йилнинг сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ҳамкорлик борасидаги мавжуд имкониятларни янада кенгроқ ишга солишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома ҳамда Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация асосида барча соҳаларда жадал тараққий этмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлари орасида етакчи ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий соҳада энг кўп қулайлик яратиш тартиби амал қилмоқда. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми муттасил ўсиб бораётир. Бу борадаги кўрсаткич 2013 йилда 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган беш юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Юртимизда Хитойнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди.

Мамлакатимиздаги қулай бизнес муҳити, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган афзалликлар ва кафолатлар тизими хитойлик ишбилармонларнинг юртимиз иқтисодиётига қизиқиши ва ишончини оширмоқда.

— Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал тараққий этмоқда, — деди Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Чжан Вэй. — Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит ва улкан иқтисодий имкониятлар билан бевосита танишиш, бу борадаги мавжуд салоҳиятдан тўлароқ фойдаланиш мақсадида кўплаб етакчи фирма ҳамда компанияларимиз вакиллари истиқболли лойиҳалар билан келган. Ўзаро ҳамкорлигимиз янада равнақ топишига ишонамиз.

(Давоми 2-бетда).

## «Юртингиз баҳори ниҳоятда гўзал ва тароватли экан»

*Юртимизда ҳар бир байрам ўзгача шукуҳ ва кайфият билан қарши олинади. Ана шундай тантаналаримиз орасида биз учун Наврўзи оламнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки у шарқона Янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, энг ардоқли ва асл миллий айёмдир.*

*Ҳозир қаергаборманг, юртдошларимиз юзида қутлуғ шодиёна арафасига монанд ажиб бир ҳаяжонни кўрасиз, қизғин тараддуднинг устидан чиқасиз: тўйга тўёна билан деганларидек, жойларда яна янгидан-янги маданий-маиший иншоотлар, тураржой бинолари қад ростламоқда, боғу роғлар барпо этилиб, кўчаю хиёбонлар ободонлаштирилаяпти.*



ТААССУРОТ

*Мана шундай қувончли дамларда халқимизга хос бебаҳо қадриятлар — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш каби эзгу фазилатлар ҳам янада яққол намоён бўлади. Баҳорнинг энг тансиқ таомлари — кўксомсаю кўкчучвара, сумалак тортилган файзли дастурхонлар атрофида, сайил-томошалардаги суҳбатларда эса буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳукм сураётган осойишталик билан боғлиқ экани эътироф этилиб, тинч ва фаровон ҳаётимиз бардавом бўлиши, бошланаётган йил янада қут-баракали келишини сўраб, дуолар қилинади.*

*Кўнгилларга хушкайфият, завқу шавқ улашувчи Наврўз тантаналарини, тарихий шаҳарларимизни томоша қилиш мақсадида юртимизга кўплаб сайёҳлар ташриф буюришаяпти. Мухбиримиз улардан айримлари билан суҳбатда бўлди.*

**Бургхардсвизер ХАННЕС** *(Германия):*

— Ўзбекистон — улкан салоҳиятга эга мамлакат. Бу фикрни бугун дунё жамоатчилиги бот-бот такрорламоқда, десам, муболаға қилмаган бўламан. Чиндан ҳам, мустақил тараққиёт йўлидан дадил қадам ташлаётган юртингиз барқарор иқтисодиёти, илм-фан, таълим, маданият, спорт, қўйингки, ҳар бир соҳада эришаётган улкан ютуқлари билан ана шундай таърифга муносиб эканини исботламоқда.

Шунга мос равишда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам юқори даражада йўлга қўйилганига гувоҳ бўлдим. Замонавий меҳмонхоналар, транспорт-коммуникация тизими, қизиқарли сайёҳлик йўналишлари кишида илиқ таассурот уйғотади.

Тошкент, Хива, Бухоро каби йирик шаҳарларингизда бўлиб, кенг ва равон кўчалар, муҳташам бинолар тимсолида мамлакатингиз бунёдкорлик салоҳияти ҳақида муайян тасаввурга эга бўлдим, уларда миллий ва замонавий меъморчилик анъаналари моҳирона уйғунлаштирилганидан ҳайратга тушдим. Айтайлик, пойтахтингиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройи, "Маърифат маркази", Ёшлар ижод саройи муҳташамлиги, гўзаллиги билан кишини лол қолдиради.

(Давоми 2-бетда).



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

*2014 йил 12 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.*

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И. Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини шу йил 10-11 апрель кунлари Тошкент шаҳрида чақириш ҳақида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги (янги таҳрири), "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги (янги таҳрири), "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонунлар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва либераллаштиришни, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлашни, фуқаролик жамиятини шакллантиришни, қонун устуворлигини таъминлашни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, шунингдек, ишбилармонлик муҳитини яхшилашни назарда тутадиган, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда сенаторлар Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг фаолияти тўғрисидаги, Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни муҳокама қиладилар. Сенаторлар ялпи мажлисда адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини кўриб чиқадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатлари доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишини мувофиқлаштириш учун тегишли ишчи гуруҳ тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

## Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори

*Ички ишлар вазирлиги Академиясида "Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидаги ислоҳотлар: натижалар ва истиқболлар" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди.*

АНЖУМАН

Унда Олий Мажлис қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолари, Бош прокуратура, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари, Республика Юристлар малакасини ошириш маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳудудий бошқарма ва бўлимлари, таълим муассасалари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, истиқлолнинг илк йиллариданоқ суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу борадаги изланишлар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, янгича суръат олди. Биргина ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида эришилган натижалар мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Хусусан, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоатчилик ўртасида ўзаро ҳамкорлик механизмларининг такомиллашиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этаяпти.

(Давоми 3-бетда).

## ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

*Интилиш ва ҳаракатлар қўллаб-қувватланаётган жойдагина ҳар қандай эзгу ташаббус тезда кенг қанот ёзиб, ўзининг ижобий самараларини бера бошлайди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда тадбиркорлик соҳасида эришилаётган муваффақиятлар бунга яққол мисол бўла олади.*

«ТАШАББУС — 2014»



Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан қулай тадбиркорлик муҳити яратилиб, соҳада кўплаб имтиёзлар жорий этилаётгани туфайли кичик бизнес, фермерлик ва ҳунармандчилик тобора ривожланиб, иқтисодиётимизнинг таянч устунларига айланди. Айниқса, турли кўрик-танловлар ўтказилиб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ишбилармонлар рағбатлантирилаётгани уларни янги марралар сари руҳлантирмоқда, ибратли ташаббуслар кўрсатишга ундамоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танлови ана шундан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).



# СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ҲИСОБ ПАЛАТАСИНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, кўп партиявийлик тизими ривожланаётган, парламентда ва жамиятда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобат кучайиб бораётган шароитларда бу масала доимо депутатларнинг диққат-эътиборини талаб қилади. Хусусан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган даврда бюджет маблағларидан жуда оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш лозим.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, депутатлар сиёсий партияларнинг 2013 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилдилар.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг қуйи палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини кўриб чиқди. Ҳисоб палатаси раисининг ўринбосари Қ. Акмалов ҳисобот билан сўзга чиқди. Маърузачи Ҳисоб палатасининг ҳисобот давридаги фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил январь ойида бўлиб ўтган 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилганлигини қайд этди.

Бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2012 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташқи аудити ва уни баҳолаш ўтказилди, солиқ ва бюджет сиёсатининг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари ҳамда мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси экспертиза қилинди. Ҳисоб палатаси томонидан республика ва маҳаллий миқёсда Давлат бюджетининг шаклланиши ва ижроси устидан назорат ташкил этилди, бюджет маблағларининг қонунийлиги, мақсадли йўналтирилиши ва улардан самарали фойдаланилиши текширилди.

Давлат бюджетининг даромад қисми тўғри шакллантирилиши, шунингдек, ҳудудларда ва тармоқлар бўйича бюджетдан моддама-модда ва тўлиқ фойдаланилиши таҳлил қилинди, асосий даромад манбалари бўйича прогноз кўрсаткичларининг ҳақиқийлигига баҳо берилди. Бундан ташқари, Ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджетига жамланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг шакллантирилиши, уларнинг мақсадли, оқилона ва самарали сарфланиши устидан узлуксиз назорат амалга оширилди, бошқа муҳим йўналишлар бўйича ишлар олиб борилди. "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунни ижро этиш мақсадида Ҳисоб палатаси сиёсий партияларнинг молиявий маблағлари шакллантирилишини, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланилишини текширди.

Савол-жавоблардан сўнг ҳисобот батафсил муҳокама этилди. Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилги ҳисоботини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.**

## ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Парламент комиссияси аъзолари, вазирлик ва идоралар вакиллари, ННТ ассоциациялари ҳамда бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, ОАВ ходимлари қатнашди.*

# ДОЛЗАРБ ЛОЙИҲАЛАР МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Йиғилишда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий, гуманитар муаммоларини ҳал этишга йўналтирилган, демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган долзарб ижтимоий аҳамиятга эга дастур ва лойиҳаларни давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ҳамда давлат гранти шаклида молиялаштириш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ушбу йўналишда босқичма-босқич рўёбга чиқарилаётган чора-тадбирлар ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида, жамиятда ижтимоий шериклик тамойилларини кучайтиришда, жамият ва давлат ўртасида самарали алоқа ўрнатилишида муҳим омил бўлаётир.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ҳамда Парламент комиссияси ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий, долзарб лойиҳа ва дастурлар амалга оширилишини доимий ҳамда кенг қўллаб-қувватлаб келмоқда. Чунончи, 2014 йилда Давлат бюджети ҳисобидан ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг долзарб лойиҳа ҳамда дастурларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ошириш учун 8,2 миллиард сўм маблағ ажратилгани бунинг ёрқин далилидир. Унинг 3,8 миллиард сўмдан зиёди ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг муҳим масалаларини ҳал этишга кенг жалб қилиш, "Келажаги буюк — соғлом авлод" мавзуидаги грант танловларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш, лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Давлат гранти танловларининг яна бир муҳим мавзуси — мамлакатнинг чекка ҳудудларида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, болалар, айниқса, қиз болаларнинг жисмоний тарбия ҳамда спортга меҳрини уйғотиш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилишдан иборат эканлиги йиғилишда алоҳида қайд этилди. Шунингдек, танловлар ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ва ННТнинг шаҳар, маҳалла ҳамда кўчаларни ободонлаштиришдаги фаоллигини ошириш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, шунингдек, болалар соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган фуқаролик жамияти институтлари ва давлат тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратиш мавзуларида ҳам ўтказилишига қарор қилинди.

Тадбирда ОАВ томонидан аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини юксалтириш, соғлом турмуш тарзини, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этишга, демократик ислоҳотларнинг амалга оширилиши ҳамда фуқаролик жамиятининг барпо қилиниши жараёнларини мустақил ОАВда ёритишга қаратилган танловларнинг ўтказилишига алоҳида аҳамият берилди. Шу билан бирга, ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида катта ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишни кўзда тутадиган давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, жорий йилда ННТ ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари орасида давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштириш учун 1,4 миллиард сўм миқдорида маблағ ажратилади.

Давлат ижтимоий буюртмаларини жойлаштиришда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида назарда тутилган, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, ОАВнинг соғлом ҳамда баркамол авлодни шакллантириш, мустаҳкам оила асосларини юксалтиришдаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берилгани диққатга сазовор.

Бундан ташқари, ҳудудий ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг лойиҳа ҳамда дастурларини шакллантириш, жойларда ижтимоий шерикликнинг амалий ютуқларини янада кучайтириш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликнинг турли шакл ҳамда механизмларини кенгайтириш мақсадида қатор тадбирлар ўтказиш белгиланди.

Йиғилишда, шунингдек, 2014 йилда амалга ошириладиган икки мингдан зиёд лойиҳалар ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирокини таъминлаши, Жамоат фонди томонидан давлат гранти, давлат ижтимоий буюртмаси ҳамда давлат субсидияси шаклида молиялаштирилишига урғу берилди.

Йиғилишда яқин кунларда Жамоат фондининг 2013 йилдаги фаолияти ҳамда жорий йилдаги вазифаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилиши айтиб ўтилди.

Якунда Парламент комиссияси ва Жамоат фондига тааллуқли бошқа ташкилий-ҳуқуқий масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хориж сармояси иштирокида юқори технологик лойиҳаларни амалга оширишда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари муҳим аҳамият касб этмоқда. Форумда хитойлик ишбилармонларга ушбу иқтисодий зоналардаги имконият ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Анжуманда нефть-газ, кимё саноати, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, автомобилсозлик, электр техникаси, тўқимачилик ва енгил саноат каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан фикр алмашилди.

Бизнес-форум якунида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Хитой халқаро савдога кўмаклашиш қўмитаси ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид битим имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой ишбилармонларининг Кооперацион биржаси ҳам бўлиб ўтди.

**Ирода УМАРОВА, ЎзА мухбири.**

# «Юртингиз баҳори ниҳоятда гўзал ва тароватли экан»



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бухородаги "Бухоро маданий маркази" мажмуи ўзига хос мазмун-моҳияти, бетакрорлиги билан ажралиб турса, Арк қалъаси, Сомонийлар мақбараси, Минораи Калон, сўлим Лабиҳовуз атрофидаги мадрасаю карвонсаройлар, савдо тоқилари бу қадим заминнинг буюк тарихидан сўзлайди. Энди Самарқандга йўл оламан.

Ушбу ташрифим Наврўз шодиёналарига тўғри келганидан жудаям хурсанд бўлдим. Чунки бу асл миллийлик акс этадиган, қадриятлар улуғланадиган байрам экан. Одамлар энг тансиқ баҳорий таомлар тайёрлаб, сайилларда мириқиб кўнгил ёзишаркан. Менга сумалакнинг пишириш жараёни жуда қизиқ туюлди. Уни астойдил томоша қилдим. Тайёр бўлгач, бу таомдан татиб кўрдим. Ажойиб мазаси оғзимда қолди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини баҳор айёми билан самимий муборакбод этаман. Доимо омадингизни берсин, дейман.

**Эми АМЕМИЯ**
*(Япония):*

— Шарқ халқларида азалдан бир-бирига меҳр-оқибатли бўлиш, меҳмонга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш тушунчалари яхши шаклланган. Мустақил Ўзбекистон билан Япония ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстона алоқаларда ана шу жиҳат катта аҳамият касб этаяпти, деб ўйлайман.

Наврўз тантаналари менга жуда ёқди. Бухорони сайр қилиш асносида кўкчучвара, кўксомса, ҳалим сингари миллий таомлар, халқ ўйинлари ҳақида маълумотларга эга бўлдим. Муҳими, халқингиз қадимий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келмоқда. Уларни ёшларга ўргатаяпти. Демак, қадриятлар бардавомлиги таъминланмоқда.

Дарвоқе, бозорларингизни ҳам катта қизиқиш билан айландим. Мени ҳайратлантирган жиҳати, қиш энди тугаб, баҳор фасли бошланган бўлса-да, маҳсулотлар етарли. Расталарда исталган мева, сабзавот, кўкатлар топилади. Нархи ҳам арзон. Сотувчиларнинг хушмуомалалигини айтмайсизми?! Буларнинг барчаси юртдаги фаровонлик, маъмурчиликдан далолатдир.

**Парвази МИРЛЕ**
*(Ҳиндистон):*

— Ўзбекистонга иккинчи бор келишим. Баҳор юртингизда ниҳоятда гўзал ва тароватли экан.

Сайёҳлик тизимида фаолият кўрсатишим боис шу йўналишдаги ўзгаришларни дарҳол пайқадим. Ўтган давр ичида қадимий шаҳарларингизда инфратузилма жадал ривожланибди. Хизмат сифати ошган, ҳунармандчилик янада равнақ топган. Шу боисдан ҳам биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ниятидамиз. Сабаби, Ўзбекистон бой номоддий меросга эга мамлакатдир. Мана, Наврўз байрамини олиб кўринг. Уни сайил тарзида нишонлаш анъанаси алоҳида эътиборга лойиқ. Бу, албатта, ўзаро аҳиллик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўйлашимча, ушбу жараённи бевосита яқиндан кузатиш ҳар қандай сайёҳ учун бир умрга унутилмас таассурот қолдиради.

Мана шундай лаҳзаларда тилагим шуки, меҳмондўст халқингизга яхши кунлар ҳамиша ёр бўлаверсин!

**Истам ИБРОҲИМОВ ёзиб олди.**

## АНЖУМАН

*Пойтахтимизда "Таълим сифатини оширишда методика кенгаши ва методика бирлашмаларининг ўрни" мавзуига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

# Илғор услуб ва тажриба

### умумтаълим мактабларида ўқитиш сифатини яхшилашда муҳим аҳамиятга эга

Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси Юнусобод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу анжуманга мутахассислар, пойтахтимиздаги мактаблар раҳбарлари, услубчилар, ёш педагоглар таклиф қилинди.

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси туфайли ўқувчи-ёшларга сифатли, сермазмун ва айни чоғда малакали таълим беришни ташкил этишда бир қатор ибратли тажрибалар оммалаштирилмоқда. Хусусан, ҳар йили Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан уюштирилаётган "Дарс — муқаддас", "Ўрган-ўргат", "Соғлом муҳит — соғлом жамоа" сингари тадбирлар йўлга қўйилганлиги ҳам умумтаълим мактабларида ўқитиш сифатини яхшилашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бу ҳақда ушбу анжуманда ҳам алоҳида таъкидланди. Тадбир иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда, туман мактабларида тўпланган бой тажрибалар билан танишдилар, баҳс-мунозарага киришдилар.

— Мазкур анжуман ҳеч бир ўқитувчини бефарқ қолдирмайди, — дейди тадбир қатнашчиси, Юнусобод туманидаги 235-умумтаълим мактаби директори Мўмина Сулаймонова. — Сабаби, давр шиддат билан ривожланмоқда. Таълим тизими ҳам бундан мустасно эмас. Бугунги семинар айнан ёш ўқитувчилар учун тажриба мактаби бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА.**

# ИЗЛАНИШ, ТАДБИРКОРЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Илк бор 1996 йилда ташкил этилган мазкур нуфузли кўрик-танлов юртдошларимизнинг тадбиркорлик қобилиятини юзага чиқариш, мулкдорларнинг кичик ва ўрта синфини шакллантириш, уларнинг илғор тажрибаларини оммалаштириш, энг асосийси, соҳа вакилларининг касбий маҳоратини оширишга хизмат қилиб келмоқда. Натижада тадбиркорлар ўз фаолиятини кенгайтириш орқали ишлаб чиқариш суръатларини тобора жадаллаштириб, ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга муносиб ҳисса қўшаяптилар. Бунга "Ташаббус — 2014" республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичига келган киши яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

...Пойтахтимиз туманларида ғолибликни қўлга киритган тадбиркорлар ва ҳунармандлар томонидан ташкил этилган ушбу кўргазмада кенг жамоатчилик вакиллари, Тошкент шаҳри аҳолиси ва меҳмонлари жам бўлди. Улар бу ерда турфа хилдаги саноат маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари билан яқиндан танишиб, барча маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари жиҳатидан хорижники билан бемалол рақобатга кириша олишини эътироф этдилар.

"Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари учун ажратилган бурчак, айниқса, одамлар билан гавжум эди. Сабаби, унда импорт ўрнини босувчи тиббиёт жиҳозлари кенг намойиш қилинаяпти.

— Корхонамиз 2007 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган қисқа вақт ичида ички бозорда ўз ўрнига эга бўлди, — дейди жамият раҳбари Отабек Жиянбоев. — Бу Президентимиз томонидан биз, тадбиркорларга қаратилаётган эътибор, яратиб берилаётган қулай шарт-шароитлар самараси, албатта. Айтайлик, дастлаб 5 киши иш билан таъминланган корхонамизда 5 хил тиббиёт жиҳози ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда ишчилар сони 50 нафарга, маҳсулотларимиз тури эса 112 тага етказилди.

Тадбиркорнинг айтишича, 2011 — 2013 йилларда корхона Маҳаллийлаштириш дастурига киритилгач, кўплаб турдаги импорт ўрнини босувчи тиббиёт ускуна ва жиҳозларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда жарроҳлик ва физиотерапия ускуналари, ҳавони зарарсизлантирадиган асбоблар, турли ўлчов воситалари, тиббиёт ҳамда лаборатория жиҳозлари, шунингдек, шифо масканлари учун махсус анжомлар ва офис мебеллари шартнома асосида буюртмачиларга етказиб берилаяпти.

Ташкилотчиларнинг қайд этишича, бу йилги танлов ана шундай салоҳиятли ишбилармонларни кашф қилди. Иштирокчиларнинг фаолиятини баҳолашда нафақат ишлаб чиқариш кўрсаткичи, балки янги иш ўринлари яратилгани, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани каби жиҳатлар ҳам инобатга олинди. Якунда "Magnum Medikal Servis" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Отабек Жиянбоев "Энг яхши тадбиркор", миллий наққошлик санъати устаси Камолиддин Абдуллаев эса "Энг яхши ҳунарманд" йўналишларида ғолиб, деб топилди.

Қимматбаҳо совғалар билан тақдирланган бу тадбиркорлар энди Тошкент шаҳри номидан "Ташаббус — 2014" кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этадилар.



**Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Шомурот ШАРАПОВ, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг анжумани бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, фонднинг васийлик кенгаши ва бошқаруви аъзолари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган делегатлар иштирок этди.*

## 2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С. Иномова ва бошқалар соғлом авлодни тарбиялаш, ёшларнинг баркамол ўсиб-улғайиши, истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариши учун ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланганини таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1993 йил 23 апрелдаги Фармонига мувофиқ ташкил этилган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этмоқда. Ушбу нодавлат тузилма тегишли давлат ва жамоат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш, гуманитар ёрдам, болалар спортини ривожлантириш, таълим каби соҳаларда кўплаб лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Фонднинг экологик ноқулай ҳудудларга «Саломатлик поездлари»ни ташкил этиш, туғма нуқсонли болаларни мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги нуфузли клиникаларда даволатишга оид лойиҳалари аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қисмини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, болалар саломатлигини асрашда ўз самараларини бераётир. Маданият, санъат, спорт-соғломлаштириш йўналишидаги лойиҳалар иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш, ёшлар ўртасида оммавий спортни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Фонд томонидан «Она ва бола скрининги» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Республика скрининг маркази ва унинг жойлардаги тузилмалари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Фонднинг кам таъминланган оилаларни, ногиронлар ва тиббий-ижтимоий муҳофазага муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга оид гуманитар лойиҳалари ҳам кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 30 январдаги «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия фондини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида фонднинг ҳуқуқий мақоми янада ошиб, мақсад ва вазифалари миқёси кенгайди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фондининг 2013 йилдаги фаолияти якунлари таҳлил этилди, «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири.**

# ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Италиянинг “UniCredit” банки ўтган йилни 14 миллиард евро миқдоридаги зарар билан якунлаганини маълум қилди, дейилади “Евроньюс” телеканали хабарида.*

## Режада қисқартириш



Унинг асосий қисми тўртинчи чоракдаги салбий натижалар билан боғлиқ бўлиб, ушбу даврда молия муассасаси 9 миллиард евро ҳажмида зиён кўрган. “UniCredit” мутасаддилари банк фаолиятини ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган янги режа вазиятни ижобий томонга ўзгартиришига ишонч билдиришмоқда. Унга кўра, 2014 йилда 2 миллиард, 2018 йилга бориб эса, 6,6 миллиард евро миқдорида фойда олиш мўлжалланмоқда. Бунда харажатларни тежаш мақсадида иш ўринлари сони 8,5 мингтагача қисқартирилиши алоҳида ўрин тутади.

## Янги стандартдаги диск

*Япониянинг “Sony” ҳамда “Panasonic” компаниялари ҳамкорликда лазер дискнинг янги стандартини ишлаб чиқди.*

“Archival Disc” номини олган мазкур электрон восита келгуси йилнинг ёз ойларида сотувга чиқарилади. Унинг афзаллиги шундаки, маълумотлар сиғими айни пайтда энг замонавий ҳисобланган “Blu-ray” форматидаги дискларга нисбатан сезиларли даражада катта. Хусусан, дастлабки босқичда харидорларга 300 гигабайт, кейинчалик 500 гигабайт ва ниҳоят 1 терабайтлик дисклар таклиф қилинади. Қиёслаш учун келтириб ўтамиз, “Blu-ray” стандартида кўпи билан 50 гигабайтгача маълумот ёзиш мумкин.

## Ҳар жиҳатдан фойдали тизим

*Германиянинг “Audi” компанияси светофор чироқларининг ўчиб-ёниш вақтини автомобиль экрани орқали кузатиб туриш имконини берадиган ноёб тизим яратди.*



Интернет ёрдамида ишлайдиган мазкур технология нафақат ҳайдовчи учун қулайлик яратади, балки атроф-муҳитга зарарли газлар чиқишини ҳам сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Масалан, светофорнинг яшил чироғи ёнгунга қадар машинанинг эгаси двигателни ўчириб туриши мумкин. Дисплейдаги вақтга қараб, у ҳаракатланишга тайёргарлик кўради. Агар ушбу жараёнда ҳайдовчи эътиборсизликка йўл қўйса, яшил чироқ ёнишига 5 сония қолганда тизим автомобиль моторини автоматик тарзда ўт олдиради.

Мутахассисларнинг айтишича, ушбу янгилик қўлланилса, ҳар бир машинадан ҳавога чиқадиган зарарли газлар миқдори йилига 15 фоизгача қисқараркан.

## Томошабинлари сонини оширмоқчи

*АҚШнинг “Walt Disney” компанияси интернетда онлайн-видео хизмати кўрсатувчи “Maker Studios” компаниясини сотиб олиш орқали томошабинлари сонини оширмоқчи.*

Мусиқий ва комедия йўналишидаги қизиқарли видеолавҳалар жойлаштириладиган мазкур сайт, айниқса, ўсмирлар ўртасида анча машҳур.

“The Wall Street Journal” нашрида ёзилишича, агар “Walt Disney” келишувга эриша олса, бунинг учун 500 миллиондан 900 миллион долларгача бўлган маблағдан воз кечишига тўғри келади.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

• Реклама ва эълонлар •

IPOTEKA BANK

# «ИПОТЕКА-БАНК» АТИБ

**сизларга ўз маблағларингизни кўпайтириш, шунингдек, коммунал тўловларни тўлашда янада қулай имкониятлар яратиш мақсадида миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

## «ЯХШИ СОВҒА»

**ютуқли омонати**

***Сақлаш муддати — 4 ой.***

Омонатга ҳисобланган фоизларни ҳар ойда олиш мумкин.
Омонатга фоизли даромад тўланиши билан бирга, ютуқлар тиражи якунига кўра, ютуқ тўланади. Ютуқ омонат муддати тугаганда берилади.
Омонатнинг энг кам миқдори — 1 000 000 сўм.
Ютуқлар тиражи 2014 йил июль ойининг биринчи ярмида ўтказилади.

## «КОММУНАЛ-АКТИВ»

***Сақлаш муддати — 3, 6, 9 ва 12 ой.***

Омонатга фоизлар олдиндан ҳисобланиб, омонатчининг аризасига кўра, тегишли коммунал ташкилотларининг ҳисобварақларига коммунал тўловлар учун ўтказиб берилади.

## «КОММУНАЛ-ПЛЮС»

***Сақлаш муддати — 12 ой.***

Омонат бўйича ҳисобланган фоизли даромад омонатчининг аризасида кўрсатилган коммунал ташкилотлар ҳисобварағига ҳар ойда ёки омонатчи хоҳлаган муддатда коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

## «КОММУНАЛ-ЛЮКС»

***Сақлаш муддати — 1 ой.***

Омонатга қўйилган маблағлар белгиланган сақлаш муддати тугаганидан кейин унга ҳисобланган фоизли даромад билан бирга, омонатчи аризасида кўрсатилган коммунал ташкилот ҳисобварағига коммунал тўлов учун ўтказиб берилади.

***Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.***

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
— маълумотлар сир сақланиши кафолатланади;
— эгалик қилиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда.

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-89-17, 150-89-57, 150-89-58.**

**«ИПОТЕКА-БАНК» — МАБЛАҒИНГИЗ КЎПАЙИШИГА ИМКОНИЯТ ЯРАТАМИЗ.**

*ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.*

407R/219

# «SN INVEST» компанияси

**қуйидагиларни етказиб беради:**

- ғўзапоя ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макка ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламаси
- пресслайдиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- боғ ва ферма учун тракторлар
- занжирли тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- буғдой экадиган сеялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб суғорувчи мосламалар
- ем майдалаб тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг, дискали плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер



*Маҳсулот сертификатланган.*

**Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz**

151R/43

# Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун маҳаллаларда милиция таянч пунктлари ҳамда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари ташкил этилган бўлиб, уларнинг ҳудудларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда аҳоли, жумладан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари эътиборга молик. Уларнинг таълим муассасалари, фуқаролар йиғинлари, яраштирув комиссиялари билан ҳамкорлиги натижасида ҳуқуқбузарликларнинг олди олинаяпти, жиноятни келтириб чиқарувчи омиллар аниқланиб, жойида бартараф этилмоқда.

— Ҳозирги пайтда республикамизда 3 минг 712 та милиция таянч пункти бўлиб, уларнинг аксариятида фан ва спорт тўгараклари, кичик бизнес шохобчалари ҳамда замонавий болалар спорт майдончалари самарали фаолият кўрсатаётир, — дейди Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Исломиддин Холиқов. — Уларга ҳудудлардаги аҳоли, хусусан, ёшларимиз жалб этилган. Бу амалда ўз самарасини бераяпти, яъни жойларда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлари, умуман, жиноятчилик сезиларли даражада камайишига эришилмоқда. Ўтган йил мобайнида 2230 та маҳаллада биронта ҳам ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этилмагани бунинг ёрқин далилидир.

Анжуманда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида милиция таянч пунктлари ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги натижалари ҳам таҳлил қилинди. Хусусан, мамлакатимиздаги барча, яъни 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қошида 50 мингдан зиёд “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси вакиллари, 8 минг нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда 9 мингдан ортиқ яраштирув комиссиялари ўртасида йўлга қўйилган ҳамкорлик бугун амалда ўзини ҳар жиҳатдан оқлаётгани юқори баҳоланди.

Тадбирда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш, ушбу тизимни ташкил этишда ягона ёндашувни белгиловчи “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Якунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «NEW ESTATE ACTION» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 2014 йил 15 январдаги 839/840/841-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, «Баҳринисо савдо сервис» ХКда жойлашган, умумий майдони 1266,22 кв.м. бўлган нотураржой (ишлаб чиқариш биноси) савдога қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 840 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 15 апрель куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «New estate action» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки Мирobod филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО: 01101, СТИР: 307373151.

400R/1091

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй. Телефон: (8-371) 254-69-13.**

*Лицензия: RR-0148.*

# «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиали

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2014 йил 15 апрель куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

* Музработ тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 31 январдаги 19-1007/18822-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани МТП ОАЖда сақланаётган, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, «МАГНУМ-8940» русумли трактор, давлат рақами 28-73 СН.

***Бошланғич баҳоси — 40 000 000 сўм.***

* Музработ тумани СИБ томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2012 йил 20 ноябрдаги 2-48-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Музработ тумани МТП ОАЖда сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, «МТЗ-80Х» русумли трактор, завод рақами 089596, таъмирталаб.

***Бошланғич баҳоси — 6 272 340 сўм.***

* Термиз шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2013 йил 21 ноябрдаги 358-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳридаги «Сурхонтаъминбутлаш» МЧЖда сақланаётган, 1975 йилда ишлаб чиқарилган «ГБА СПГ ВАЗ-2106» русумли, давлат рақами 75 Т 414 ВА.

***Бошланғич баҳоси — 3 230 000 сўм.***

* Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2014 йил 18 февралдаги 1-71-14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, «Tico» русумли, давлат рақами 75 N 849 DA, таъмирталаб.

***Бошланғич баҳоси — 9 900 000 сўм.***

* Сариосиё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 6 декабрдаги 1-213-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани ИИБ жарима майдончасида сақланаётган, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, «ГБА СПГ ВАЗ-21063» русумли, давлат рақами 75 F 953 DA.

***Бошланғич баҳоси — 4 860 000 сўм.***

2014 йил 31 март куни соат 11.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

* Денов тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 30 декабрдаги 19-1201/18904-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов тумани ИИБ ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, 2005 йилда ишлаб чиқарилган, «ВТ-150Д» русумли трактор, давлат рақами 77-81 СН.

***Бошланғич баҳоси — 48 623 921 сўм.***

* Сариосиё тумани СИБ томонидан ЖИБ Сариосиё тумани судининг 2013 йил 17 июндаги 1-81-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сариосиё тумани, «Аэропорт» МФЙ, 8/7-уйда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, «Matiz best» русумли, давлат рақами 75 X 177 DA.

***Бошланғич баҳоси — 8 177 420 сўм.***

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2014 йил 31 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2014 йил 17 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш: 15 апрель кунидаги савдога — 14 апрель куни соат 11.00 да, 31 март кунидаги савдога — 28 март куни соат 16.00 да ва 17 апрель кунидаги савдога — 16 апрель куни соат 11.00 да тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Universal auktsion invest» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг ХОАББ «Трастбанк» Термиз шаҳар филиалидаги МФО: 01063, СТИР: 302083379, 20208000204932168018 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

402R/165

**Аукцион савдоларини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: Термиз шаҳри, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Мурожаат учун телефон: (+99893) 792-78-18.**

**Гувоҳнома № 004059.**

# «Ўзсаноатқурилишбанк»» ОАТБ

**томонидан стратегик инвесторларга таклиф**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ балансидаги қуйидаги корхоналарда ишлаб чиқаришни тиклаш, стратегик инвесторларга сотиш учун ҳамкорликда ишлашга таклиф этади:

**«Samarqand Pure Aqua» МЧЖ** — табиий тоза газланган ва газланмаган сув ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Самарқанд шаҳри, Бобур Мирзо кўчаси, 3-«А» уй.

**«Fergana Ceramics Industry» МЧЖ** — чинни буюмлар ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Фарғона вилояти, Қувасой шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 3-уй.

**«Xorazm shisha idishlari» МЧЖ** — шиша идишлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Хоразм вилояти, Шовот тумани, Ижтимоият қишлоғи.

**«Elite Stars Textile» МЧЖ** — пахта толасидан калава ип ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.
***Корхона манзили:*** Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани, Дўстлик кўчаси, 55-уй.

Маълумот олиш учун «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаментининг Ночор корхоналар билан ишлаш бошқармасига мурожаат этиш мумкин.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 3-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 120-36-04, (+99890) 969-90-98.**
**Факс: (8-371) 120-45-64, 120-36-29.**
**E-mail: info@uzpsb.uz Веб-сайт: www.uzpsb.uz**

261R/98

# «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Бекобод шаҳар СИБ томонидан 2013 йил 18 март кунидаги 898-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 16 649 863 сўм.***

**2.** Бекобод тумани СИБ томонидан 24069-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бекобод тумани, Шовво қўрғони, «Навоий» ф/у, 1-бўлимда жойлашган уй-жой.

***Бошланғич баҳоси — 120 232 198,80 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 27 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ОАТБ «Asia alliance bank» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО: 01103, СТИР: 207125885.

Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-квартал, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8-371) 212-89-55.**

*Лицензия: RR-0052.*

403R/51

# Интерфаол усуллар

## чет тилларни ўрганиш тизимини такомиллаштиришда қўл келмоқда



*Денов туманидаги 1-умумтаълим мактабига борганимизда, танаффус пайти экан. Бу ерда ўқувчилар биз билан инглиз тилида саломлашишди. Мактаб директори Хосият Қораева изоҳ берди:*

*— Бугун пайшанба, мактабимизда чет тилини ўрганиш куни этиб белгиланган. Бу тажриба ўзини оқлаяпти. Қаранг, 1-синфда ўқиётган 55 нафар ўғил-қизнинг ҳар бири инглиз тилида ўз исм-шарифи, қаерда яшаши ҳамда оила аъзолари ҳақида тўлиқ маълумот бера олади. Икки нафар чет тили ўқитувчимиз бор. Улар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлашган. Ҳозир замонавий педагогик технологиялар, илғор тажрибалар асосида ўғил-қизларга сабоқ беришмоқда.*

### ҚАРОР ВА ИЖРО

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкиллаштириш бўлими мудири Ҳайдар Сувоновнинг таъкидлашича, мазкур мактаб нафақат туман ва вилоятдаги, балки юртимиздаги илғор таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ерда Халқ таълими вазирлиги томонидан мамлакат миқёсидаги кўплаб ўқув-семинарлари ўтказиб келинаётгани фикримиз тасдиғидир. Қолаверса, мактаб ўқувчилари “Инглиз тилининг энг яхши билимдони” кўрик-танловининг вилоят босқичида ҳар йили ғолиблар сафидан ўрин олиб келишаяпти.

Мактаб биноси кўркам ва замонавий. Фойега киришингиз билан кўнглингиз ёришади. Чўғдек гилам тўшалган йўлак бўйлаб юраркансиз, бу ердаги озодаликдан кўзингиз қувонади. Синфхоналар ёруғ ва шинам.

— Ўқув масканимиз қошида иссиқхона ташкил этганмиз, — дейди мактаб директори ўринбосари Абдурасул Турсунов.— Бу ерга экилган лимондан ҳар йили 8-10 миллион сўм даромад олаяпмиз. Бундан ташқари, 70 сотих майдонда мевали боғимиз бор. Унинг бир қисмида гул ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирилади. Ўтган йилнинг кўкламида Термиз шаҳрини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш учун 3 минг тупдан зиёд гул ва арча ниҳоллари етказиб бердик. Олган даромадимиздан мактаб музейи ташкил қилинди. Спорт залимиз керакли жиҳозлар билан тўлиқ таъминланди. Бадиий гимнастика тўгараги фаолиятини йўлга қўйдик.

**Айни кунда Сурхондарё вилоятидаги мавжуд 858 та умумтаълим мактабида**

**1863**

**нафар ўқитувчи ёшларга илғор тажрибалар асосида хорижий тиллардан сабоқ бермоқда. Уларда Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори талабларидан келиб чиқиб, дарс машғулотлари сифат ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир.**

Хосият Қораева бизни инглиз тили хонасига бошлаб кирди. Бу ерда 1-“А” синфининг 24 нафар ўқувчисига машғулотлар ўтилаётган экан. Синфхона интерфаол ўқитиш учун мўлжалланган жиҳозлар ҳамда кўргазмали ўқув воситалари билан тўлиқ таъминланган. Дарс давомида болажонларга инглиз тилидаги мультфильмлар, қўшиқлар намойиш этилди. Ўқитувчининг айтишича, бундай усул болаларнинг чет тилини тез ва пухта ўзлаштиришларида қўл келаётир.

— Хорижий тил ўқитувчиларига бўлган эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методика маркази директори Абдураҳмон Янгибоев. — Бу табиий, албатта. Чунки 2014/2015 ўқув йилидан бошлаб 2-синфларда ҳам чет тилларни ўқитиш жорий этилади. Шу мақсадда 119 нафар педагогни ишга жалб этиш чоралари кўрилаяпти. Ўз навбатида, олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик алоқаларимизни кенгайтираяпмиз. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, бугунги ёшлар биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт! Бу фаолиятимизнинг энг устувор мақсадидир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

# Спорт

ТОҒ ЧАНҒИСИ

*Эроннинг Дизин шаҳрида тоғ чанғиси бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари саккизта медалга сазовор бўлдилар.*

## Ўсмирларимиз маҳорати эътироф этилди

Бу ҳақда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси матбуот хизмати хабар тарқатди. Жумладан, слалом йўналишидаги баҳсларда Артём Воронов энг яхши натижа қайд этиб, олтин медаль билан тақдирланди. Тоғ чанғисининг бошқа турдаги мусобақаларида у яна иккита кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритди.

Яна бир ҳамюртимиз Светлана Баранова эса бир йўла тўрт йўналиш — слалом, слалом-гигант, супер-гигант ва супер-комбинация беллашувларининг барчасида бронза медалларига сазовор бўлди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Комилжон Тўхтаев ҳамда Аркадий Семенченко учун Осиё чемпионати ўзига хос маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

ОҒИР АТЛЕТИКА

*Таиландда оғир атлетика бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 4 та кумуш ва 3 та бронза медалига сазовор бўлишди.*

## Қитъа чемпионатидаги ажойиб натижа

Нуфузли мусобақанинг учта кумуш медалини ҳамюртимиз Шерзод Маъруфжонов (-85 кг.) қўлга киритди. Истеъдодли ёш спортчимиз даст кўтаришда 111 кг., силтаб кўтаришда 142 кг., умумий ҳисобда эса 253 кг. оғирликни бўйсундирди.

Яна бир кумуш медалга терма жамоамиз аъзоси Файзулло Набиев (-77 кг.) сазовор бўлди. Унинг даст кўтариш баҳсида қайд этган натижаси (129 кг.) ана шундай мукофотга лойиқ кўрилди.

Қитъа биринчилигида умидли спортчимиз Азимжон Ғаниев (-94 кг.) ҳам муваффақиятли қатнашди. У даст кўтаришда 135 кг., силтаб кўтаришда 170 кг., умумий ҳисобда 305 кг. натижа кўрсатиб, бир йўла учта бронза медалига эгалик қилди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

## Теннисчиларимиз совринли ўринларга даъвогар



*Халқаро теннис федерацияси (ITF) томонидан Ҳиндистон ва Қозоғистонда ташкил этилган нуфузли халқаро турнирларда ўзбек спортчилари ҳам совринли ўринлар учун кураш олиб боришмоқда.*

Жумладан, Ҳиндистонда эркаклар ўртасида давом этаётган “Фьючерс” туркумига кирувчи мусобақанинг яккалик баҳсларида тажрибали теннисчимиз Сарвар Икромов япониялик Шотаро Готодан, Сергей Шипилов эса мезбонлар вакили Абҳижит Тиваридан устун келиб, кейинги босқичга чиқди.

Жуфтлик беллашувларида бирга тандем ҳосил қилган Сарвар ва Сергей дастлабки баҳсда ҳиндистонлик Винаяк Шарма Каза ҳамда Вигнеш Перанамаллурни мағлубиятга учратди.

Қозоғистонда давом этаётган “Фьючерс” турнирида эса бир йўла уч нафар ҳамюртимиз совринли ўринларга даъвогарлик қилмоқда. Ушбу мусобақада вакилларимиздан Санжар Файзиев россиялик Фёдор Червяковни, Темур Исмоилов қирғизистонлик Дониёр Дулдаевни, Шонеъматжон Шофайзиев эса ҳамюртимиз Ойбек Абдураҳимовни мағлубиятга учратиб, кейинги даврага йўл олди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

### МАВСУМ

*Гулистон туманидаги “Акбар орзуси” кўп тармоқли хусусий кичик корхонасида етиштирилган кўчатлар бир йиллик кафолат билан сотилмоқда.*

## Мевали дарахт кўчатлари шўрхок ерда ҳам ўсади

Гап шундаки, агар кўчатлар шу давр мобайнида илдиз отмаса, харидор келгуси йили бепул ниҳол олиши мумкин. Лекин бунга ҳожат йўқ. Сабаби, корхона боғбонлари бошқа ҳудудлардан келтирилган ниҳолларни Мирзачўл иқлим шароитига мослаштириш чораларини кўриб қўйишган. Улар жорий йилда 45 минг тупдан ана шундай чидамли кўчатларни тайёрлашди.

— М. Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг Қува филиали мутахассислари амалий ёрдам бермоқда, — дейди корхона раҳбари Акбар Холиқбердиев. — Паркентлик боғбонлар эса ўз боғларидан ҳосилдор куртакларни саралаб, кўчатга пайванд қилишни ўргатишди. Натижада уруғи водийники, пайванди Паркент боғларидан олинган мевали дарахт кўчатлари шўрхок ерларда ҳам ҳосил беришига эришдик.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


XALQ BANKI

**ДТ Халқ банки миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:**

**«Файзли»**

- Сақлаш муддати — 6 ой ва ундан юқори.
- Бадал миқдори — камида 500 минг сўм.
- Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади.
- Фоиз даромади тўланиши билан бирга, ютуқлар тиражи ўтказилиб, тираж якунига кўра, пул ютуқлари тўлаб берилади.

**«Нафақа»**

- Сақлаш муддати — 3 ой ва ундан юқори.
- Бадал миқдори — чекланмаган.
- Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади.
- Фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, омонат муддати тугаганидан сўнг мижознинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

**«Ишончли тўлов»**

- Сақлаш муддати — 2 йил.
- Бадал миқдори — чекланмаган.
- Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилади.
- Фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, фойдаланилган коммунал тўловлари учун ёки масофадан туриб бошқарилувчи банк хизмати «Uyali Pul» махсус ҳисоб рақамига нақд пулсиз ўтказиб берилади.

**«Капитал»**

- Сақлаш муддати — 1 йил.
- Бадал миқдори — чекланмаган.
- Қўшимча кирим муомалалари амалга оширилмайди.
- Фоиз тўловлари омонатчининг ихтиёрига кўра, омонатга маблағлар кирим қилинган кун ёки белгиланган муддатнинг хоҳлаган даврида (аванс шаклида) мижознинг биринчи талаби бўйича тўлаб берилади.

Маълумот учун телефон:
**(8-800) 200-00-55.**

405R/235

Хизматлар лицензияланган.



Schetchik.Uz

ГАЗ, ЭЛЕКТР ВА СУВ ҳисоблагичлари



243R/190

Тошкент шаҳри, Мухтор Ашрафий кўчаси, 34-уй.
Мўлжал — Ҳамза тумани электр таъминоти корхонаси.
Тел.: (+99890) 957-51-21, факс: (8-371) 283-66-88.
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.



Реклама ва эълонлар





C and H Industry
Construction Equipment & Service
VOLVO

Иностранное предприятие
ООО «C and H Industry»
предлагает
ДОРОЖНО-СТРОИТЕЛЬНУЮ ТЕХНИКУ
Под заказ.





Адрес: г. Ташкент, 100015, Мирабадский р-н, ул. Айбека, 38 «А», бизнес-центр «Авалон», 2-й этаж.
Тел./факс (+99871) 252-50-03, моб.: (+99891) 162-52-86, (+99891) 162-52-87.
E-mail: uzvolvo@gmail.com



336R/188



«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 369. 140 852 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 21.50 1 2 3 4 5